



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ФАЙЗИЕВ Олим

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА 7

2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТЛАРИ 18

4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ 29

5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 38

6. НОДИРОВ Давурхон Икромович

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

8. ОКЮЛОВ Омонбой

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ 55

9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ 65

9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 71

10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР 76

11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 89

13. KHUSAINOVA Rano

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА 109

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 174

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази
Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув маркази мудири

СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЭРНАЗАРОВ У.Т. СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 135–138.



4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-20>

АННОТАЦИЯ

Мақолада суд экспертиза муассасалари фаолиятига инновацион технологияларни жорий қилиш, тадқиқот ўтказиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти, тадқиқотлар натижаси ҳужжатлар айланиши масалалари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, суд экспертлик фаолиятига инновацион технологияларни жорий қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилмоқда.

Калит сўзлар: экспертлик фаолияти, инновация, технология, инновацион технология, ахборот кидирув тизими.

ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич

Начальник учебного центра повышения квалификации судебных экспертов Республиканского центра судебной экспертизы им. Х. Сулеймановой

ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОРГАНИЗАЦИИ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются внедрение инновационных технологий в деятельность судебно-экспертных учреждений, важность использования инновационных технологий в исследовательском процессе, результаты исследования в документообороте. По результатам анализа даны рекомендации по внедрению инновационных технологий в судебную экспертную деятельность и пути их совершенствования.

Ключевые слова: экспертиза, инновации, технологии, инновационные технологии, информационно-поисковая система.

ERNAZAROV Ulug'murod

Head of the training center for advanced training of forensic experts of the Republican center of forensic expertise named after Kh.Sulaymanova

THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ORGANIZATION OF FORENSIC EXPERT ACTIVITIES

ANNOTATION

The article analyzes the implementation of innovative technologies in the activities of forensic institutions, the importance of using innovative technologies in the research process, the results of research in document flow. Based on the results of the analysis, recommendations are given on the implementation of innovative technologies in forensic expert activity and their improvement.

Keywords: expertise, innovation, technology, innovative technology, information retrieval system.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунга қадар, илмий билимларнинг ўзаро интеграллашуви туфайли суд экспертизаси хатшунослик, дактилоскопик ёки бошқа турдаги криминалистик тадқиқотларнинг оддий турларидан суд экспертизасининг илмий асосларини ривожлантиришга, янги турларни, усул ва услубларни, замонавий илмий-техник воситалар ва инновацион эксперт технологияларини яратишгача бўлган узоқ йўлни босиб ўтди [1, Б.165].

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашда суд экспертизасининг ҳиссаси катта. Шу боис, Республикамизда суд экспертиза фаолиятига, ушбу соҳани янада такомил-лаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, суд экспертиза соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан эса суд экспертизаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда суд экспертизаси соҳасидаги тизимли муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб берилди [3].

Ҳозирги кунда телекоммуникация тизимлари, рақамли фонограммалар ва видеоёзувлар, компютер техникаси ва дастурий маҳсулотлар бўйича изланишлар жадал ривожланмоқда, суд экспертизаларининг бошқа турларини ўтказиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, бу йўналишга оид масалалар – суд экспертизаси тадқиқотларида инновацион технологиялардан фойдаланишга оид вазифалар Республикамиз ҳуқуқшунос олимлар ва суд экспертлари томонидан чоп этилган криминалистик адабиётларда ўз аксини топмаган [4],[5],[6],[7],[8], бу адабиётларда суд экспертизаларини ўтказишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган ҳолос.

Бугунги кунда замонавий автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимларидан (“АИПС”) фойдаланмасдан, истеъмол товарларининг хилма-хиллиги сабабли объектларнинг тури ва келиб чиқиш манбаларини аниқлаш муаммосини ҳал қилиш мураккаб вазифа ҳисобланади. Юқоридаги каби вазифаларни бажариш учун ҳозирги кунда суд экспертлик фаолиятида пойабзал, совуқ қурооллар ва ўқотар қуроол, ёриткич фаралар ва бошқа (шиша, ёқилғи-мойлаш материаллари, лок-бўёқ материаллари, металллар, қотиғшмалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ва ҳ.к.) электрон ахборот-қидирув тизимлари яратилиб, экспертиза амалиётида кенг фойдаланилмоқда. Кўплаб бу каби тизимлар суд-экспертининг ҳозирда яратилган ва муваффақиятли ишлаётган автоматлаштирилган иш жойининг (“АРМ”) таркибий қисми ҳисобланади. Жумладан, Украинада кабель маҳсулотларининг экспертизаларига оид тадқиқотларни ўтказувчи суд экспертнинг автоматлаштирилган иш жойи тизими – “ЭВРИКА” суд экспертизасини қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилган. Ундан ташқари, яна бошқа электрон тизим ва маълумотлар базалари ҳам яратилган, масалан, “КОРТИК” – совуқ қурооллар экспертизаси, “БАЛЭКС” – суд-баллистик экспертизаси, “НАРКОЭКС” – гиёҳванд моддаларнинг тадқиқотлари учун, “ФАРА” – транспорт воситаларининг фаралари ва уларнинг қисмларини ўрганиш учун ва бошқ.

Юқоридаги барча электрон тизимлар “Диалог” интерфаол режимда ишлайди, яъни суд экспертлари компьютернинг типик (анаъанавий) саволларига жавоб берадилар ва компьютер автоматик равишда суд-

эксперти хулосасининг лойиҳасини шакллантиради. Якуний босқичда эксперт тадқиқотлар натижаларини баҳолайди, экспертиза хулосаси матнини таҳрирлайди ва чоп этади.

Таъкидлаш жоизки, инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқотлари имкониятларини кенгайтиришга, кўплаб эксперт муаммоларини ҳал қилишда тадқиқотларнинг ишончлилиги ва илмий даражасини оширишга имкон берди. Масалан, рақамли фото- ёки видео-қурилмалар билан жиҳозланган, 500 мартагача катталаштирадиган металлографик микроскоплардан фойдаланиб, ҳатто ўзаро кесишувчи штрихлар бўлмаган тақдирда ҳам матнлар ва ёзув белгиларининг бажарилиши кетма-кетлигини аниқлаш мумкин бўлди.

Ҳозирги вақтда турли хил тегишли автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимларини (“АИПС”) яратиш мақсадида, ҳужжатларни техник-криминалистик тадқиқотлари объектларининг рақамли (компьютерли) моделлари тўпламини (коллекция) яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда турли хил мутахассисликдаги суд экспертлари (трасолог, баллист, иқтисодчи, фоноскопист, психолог ва бошқ.) учун автоматлаштирилган иш жойлари (“АРМ”), далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни қайд этиш ва тадқиқотларини ўтказиш учун янги асбоб-ускуналар ва кўп функцияли қурилмаларнинг мажмуалари (масалан “Дала мини-фото лабораторияси”) [9], суд экспертизаларининг янги тадқиқот объектларини тадқиқотлари методикалари, турли хил ахборот-қидирув тизимлари ва маълумотлар базалари яратилган.

Математик моделлаштириш соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда суд-биологик тадқиқотларнинг имкониятлари сезиларли кенгайди. Бу турдаги тадқиқотлар доирасида бугунги кунда объектларнинг биологик қонуниятларга мос ҳолдаги ўзгаришларига асосланган (масалан, мурда ҳашаротларининг ривожланиши даражасига кўра жабрланувчининг ўлим вақтни аниқлаш) аниқ бир ҳаракатларнинг (ҳодиса) вақтни аниқлашга оид диагностик вазифалар муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

А.В. Дулов ҳақли равишда “суд-экспертизасининг ривожланиши ва суд экспертизаси тадқиқотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш даражасига кўйидаги омиллар таъсир қилади: бир томондан – фаннинг турли соҳаларида билим даражаси ва билишнинг умумий усулларини ишлаб чиқиш, иккинчи томондан эса – жиноий процесснинг ўзгарувчан шакллари ва суд экспертизасининг бу жараёндаги роли ҳамда бу фаолиятни тартибга солувчи нормалар” деб таъкидлайди [10, Б.5]. Чунки, суд экспертизасининг ривожланиш жараёни бевосита тергов ва суд амалиётининг эҳтиёжларига боғлиқ. Айнан шу эҳтиёж жиноятларни тергов қилиш учун аҳамият касб этадиган ҳолатларни аниқлаш учун зарур бўлган турли у ёки бу турдаги илмий тадқиқотларнинг қанчалик долзарблигини аниқлаб беради.

Юқоридагилар билан бирга, суд-экспертизасининг ривожланиши ва суд экспертизаси тадқиқотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш ишларини, Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан бу технологиялар ўрганилганда ва ўзларининг кундалик иш фаолиятида фойдаланишга тайёр (ташкилий, методик ва психологик жиҳатдан) бўлганларида ниҳоясига етган деб ҳисоблаш мумкин.

Суд экспертизаси тадқиқотларида инновацион технологиялардан фойдаланишдаги муаммолардан бири – бу суд экспертизаларининг замонавий имкониятлари ҳақидаги маълумотлар билан мутахассислар томонидан мавжуд муаммоларни баратарф этиш ҳақидаги маълумотлар ўртасидаги узилишлар ҳисобланади. Масалан, баъзида терговчилар замонавий суд экспертизалар турларининг ўзларига маълум методикалари суд экспертиза муассасалари томонидан қўлланилмаётгани ҳақида эътироз билдирадилар.

Шу сабабли, инновацион технологияларни суд-экспертлик фаолиятига татбиқ қилиш босқичидан сўнг, қилинган ишлар ҳақида оммавий тарғибот ишларини олиб бориш (масалан, ўқув қўлланма, методик тавсиялар чоп этиш), сўнг эса мазкур инновацион технологиялар суд экспертлари ва тегишли ходимлар (суриштирувчи, терговчи, судья ва ҳ.к.) томонидан қай даражада қўлланилаётгани ҳақида махсус текширувлар (сўровлар) ўтказиш тавсия қилинади. Бу каби тадбир суд экспертлари учун ҳам, терговчи ва судьялар учун бирдек муҳим, чунки “янги методикани қўллаш жараёнидаги ташкилий-методик, психологик ва бошқа сабаблар (масалан, тегишли техник таъминотнинг йўқлиги, суд экспертнинг янги методикадан фойдаланиш истагининг йўқлиги, бундай методикадан фойдала олмаслиги ва ҳ.к.) суд-экспертлик фаолияти назарияси ва амалиётининг ўзаро мослигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин” [11].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат ва нодавлат суд экспертиза муассаса ва ташкилотларида тадқиқотлар ўтказишда инновацион технологиялардан фойдаланиш узлуксиз жараён сифатида қаралиши лозим. Шу сабабли, юқоридаги вазифани самарали ҳал қилишнинг йўллари сифатида кўйидагиларни тавсия этилади:

Биринчидан, давлат суд экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан, экспертиза тадқиқотлари учун ишлаб чиқилган инновацион технологиялар, умуман суд экспертиза соҳасидаги ютуқлар бўйича маълумотларни суд экспертлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун бир вақтда тайёрлаш ва бериб бориш;

Иккинчидан, экспертиза тадқиқотлари учун ишлаб чиқилган инновацион технологиялар бўйича маълумот беришда, бу методикага асосланган тадқиқотлар айнан қайси экспертиза муассасасида ўтказилиши ҳақида хабар бериш;

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан суд экспертизаларининг замонавий имкониятлари, бу органлар фаолиятида суд экспертлик фаолиятига оид муаммоли масалалар, жумладан суд экспертизаси тадқиқотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари бўйича тегишли машғулотлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва анжуманларни тизимли ташкил қилиш. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарорида Республика суд экспертиза муассасаларига “Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда суд ходимлари учун суд экспертизаларини ўтказишга зарур бўлган тадқиқот объектларини йиғиш, сақлаш ва тақдим этиш усуллари тўғрисида ҳудудий семинарлар ўтказиш” вазифаси қўйилган;

Тўртинчидан, суд экспертиза муассасалари томонидан, ўқув жараёнида суд экспертизаларининг замонавий имкониятлари ҳақида тўлақонли маълумотлар мунтазам берилишини таъминлаш мақсадида, тегишли Олий ўқув юртлигига (масалан, Тошкент Давлат юридик Университети, ИИВ Академияси) ҳам суд экспертизаси тадқиқотлари учун янги инновацион технологиялар ҳақида хабар бериб бориш тартибини жорий қилиш;

Бешинчидан, суд экспертизаси тадқиқотлари учун янги инновацион технологияларни қўллашга тўсқинлик қилувчи турли омилларни бартараф қилиш мақсадида, уларни валидация қилиш тизимини янада такомиллаштириш.

Хулоса, ўрнида таъкидлаш мумкинки, юқоридаги таклиф ва тавсиялар илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этиш ва ва суд экспертизаларини ўтказиш услубиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. А.В. Дулов. Из истории криминалистической экспертизы в России. Экспертиза документов / А.В. Дулов, И.Ф. Крылов. – М., 1960. (A.V. Dulov. From the history of forensic science in Russia. Examination of documents / A.V. Dulov, I.F. Krylov. – M., 1960)
2. “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-249-сон 01.06.2010 // URL: <https://lex.uz/docs/1633102> (Law of the Republic of Uzbekistan «On forensic examination». No.249 01.06.2010 // URL: <https://lex.uz/docs/1633102>)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 08.02.2017 ПҚ-2761 // URL: <https://lex.uz/docs/3107753> (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan «On measures to radically improve the system of distribution of legislation.» 08.02.2017. №2761. // URL: <https://lex.uz/docs/3107753>)
4. М.Х. Рустамбаев, А.Норбоев. Криминалистика: Чизмалар альбоми. – Т., 2002 (M.H. Rustambaev, A. Norboev. Criminalistics: Album of drawings. – T., 2002)
5. Криминалистика: Дарслик. 1-қисм // проф. Ғ.А. Абдумажидов таҳр.оств. – Т., 2003 (Criminology: Textbook. Part 1 // prof. G.A. Abdumajidov tahr.ost. – T., 2003)
6. Трасологик экспертиза. Р.Р. Шакуров, Ш.Х. Камилов, Т.Б. Маматкулов ва бошқ. Дарслик. – Т. 2012 (Trasological examination. R.R. Shakurov, Sh.X. Kamilov, T.B. Mamatkulov et al. Textbook. – T., 2012)
7. Трасологик экспертизага оид асосий атамалар. Т.Б.Маматкулов, Х.А. Тураббаев, С.А. Нурумбетова. Изоҳли луғат. – Т. 2012. (Basic terms of trasological examination. T.B. Mamatkulov, X.A. Turabbaev, S.A. Nurumbetova. Annotated dictionary. – T., 2012)
8. Криминалистика. Ш.Т. Джуманов. Дарслик. – Т., 2017 (Criminology. Sh.T. Djumanov. Textbook. – T., 2017)
9. В.Ю. Шеттёко, Г.К. Авдеева. «Польова» мініфото-лабораторія». Свідоцтво Но33553 про реєстрацію авторського права на твір, видане Державним департаментом інтелектуальної власності МОН України 02.06.2010. Бюл. №1.
10. А.В. Дулов. Вопросы теории судебной экспертизы в советском уголовном процессе. – Минск, 1959. (A.V. Dulov. Questions of the theory of forensic examination in the Soviet criminal process. – Minsk, 1959)
11. Д.Я. Мирский, М.Н. Ростов, Т.В. Устьянцев. Вопросы эффективности исследования при решении экспертных задач // Экспертные задачи и пути их решения в свете НТР: Сб. науч. тр. ВНИИСЭ, - М., 2010 г. (D. Ya. Mirsky, M.N. Rostov, T.V. Ustyantsev. Issues of research efficiency in solving expert problems // Expert problems and ways to solve them in the light of scientific and technological revolution: – M., 2010)